

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

Мамлакатимиз ташқи сиёсати ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифалари

Мазкур қонун лойиҳасига халқаро шартномалар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартибларини аниқлаштиришни, хориждан маблағ жалб қилиш билан боғлиқ республика қарз битимлари (шартномалари) ни ва уларни ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ҳамда сақлаш тартибини халқаро шартномалардан фарқли равишда ажратишни кўзда тутувчи нормаларни киритиш лозим.



3



ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ФОРУМИ:



ТЕНГЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

ТЕМИР ЙЎЛ ЙЎЛОВЧИЛАРИГА



яна бир қулайлик

2

Ҳар қандай жамият ривожини аёллар билан боғлиқдир. Аёлларга ҳам эркаклар қаторида тенг имкониятлар яратилиб, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари таъминланишига қонунчиликда қафолатлар берилса, албатта, бундай жамият тезроқ ва жадалроқ тараққий этади.

Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари

Тан олиш керак, сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Уларнинг оғирини енгили қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, давлат хотин-қизларнинг давлат бошқаруви ишларида, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаши белгилаб қўйилди.

Этиборлиси, бугунги амалга оширилаётган тизимли ислохотлар боис хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликка учрашининг олди олинмоқда, улар орасида ишсизлик даражаси камайди, аёллар тадбиркорлиги ошиб, камбағаллик қисқартирилди.

2

ШЎРХОК ЕРЛАРДА КЎРКАМ БОҒЛАР ЯРАТИЛАДИ



Диққат, янги рукн: ДЕПУТАТ ва ЗАМОН

5

СОХТА БЛОҒЕР



товламачилик қилаётганда ушланди

4



Ўзбекистон халқ шоири
Халима Худойбердыева
таваллудига 77 йил тўлди

5

Диққат, янги рукн: СЕНИНГ ТЕНГДОШИНГ



ЯХШИЛИК ҚИЛ, ЯХШИЛИКДАН ЯХШИСИ ЙЎҚ!

6

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!



ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ФОРУМИ:

ТЕНГЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ноғиронлиги бўлган ёки ноғирон фарзанди бўлган, уй-жойсиз, боқувчисиз бўлган, ўзгалар парваршига муҳтож аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Хотин-қизларнинг саломатлиги, оналик ва болалик муҳофиза қилиниб, давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеи янада мустаҳкамланди. Уларнинг таълим олишлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш мақсадида олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, сиртки ва кечки таълим шаклида ўқитган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фойсиз таълим кредитлари ажратилиши орқали илм-фан соҳасида аёлларнинг ўрни янада ошди.

Давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари ташкил этилди.

Аёлларнинг юртимизда бошқарув соҳаларидаги улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 37 фоизга, сиёсий партияларда 49 фоизга, олий таълимда 50 фоизга етди.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи, Сенат аъзоларининг 25 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг 25 фоизи аёллардан иборат.

Бошқарув ходимлари орасида хотин-қизларнинг улушини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш талаби давлат корхоналарининг ижро органлари, шу жумладан, директорлар кенгаши ва кузатув кенгашларининг таркибини шакллантиришда ҳам табиқ этилиши белгиланди.

Жорий йилнинг 13-14 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига мин-



Фотосавар Муаллифи
Алишер ИСРОЙЛОВ (ЎзА)

тақавий ёндашув» мавзусидаги Осиё хотин-қизлари форумининг ҳаман ўзбекистонда ўтказилгани аён бежиз эмас.

Форум доирасидаги 8 та сессия хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари бўйича қизгин муҳокамалари остида ўтди. Жумладан, БМТнинг хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси, Пекин декларацияси ва Ҳаракат платформаси қоидаларини амалга ошириш билан боғлиқ халқаро, минтақавий ва миллий таъжриба ҳамда инновацион ёндашувлар, хотин-қизларнинг таълим олиши, соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиши, муносиб иш билан таъминланиши, шунингдек, рақамли технологиялар ва инновациялардан фойдаланиши учун имкониятлар яратиш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича янги ташаббусларни илгари суриш, бу йўналишдаги

саъй-ҳаракатлар ва имкониятларни янада бирлаштириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаш, барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган гендер тенгликни миллий ва минтақавий даражада амалга оширишни янада рағбатлантириш масалаларида юқори натижаларга эришиш ҳамда сиёсий жараёнлар ва қарорлар қабул қилиш жараёнларида хотин-қизларнинг иштирокчини янада ошириш бўйича асосий устувор йўналишларни амалга ошириш учун манфаатдор томонларнинг ҳамкорлигини таъминлаш ва шу каби бир қатор масалалар кенг муҳокама қилинган бўлди.

Иштирокчилар тўлиқ мактаб таълими, таълим ва касбий тайёргарликнинг барча даражаларидан тенг фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, давом этаётган инқироз ва хавфсизлик муаммолари шaroитида фан, техника ва инновациялар, аёллар стартапларини, сунъий интеллектни ривожлантириш,

қишлоқ ҳудудларини рақамлаштириш, шунингдек, хотин-қизларни илмий, инновацион ва ижодий муҳитга янада кенг жалб этиш имкониятларини ҳам қўриб чиқишди.

Шу билан бирга, Осиё минтақаси мамлакатлари иқтисодий ўсиши ва фаровонлигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аёллар ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Аҳамиятлиси, форум иштирокчилари Ўзбекистон таърибасини ўрганиш жараёнида бошқа мамлакатларнинг ҳам бугунги кунда олиб бораётган ушбу масаладаги ислохотлари билан ҳам таъжриба алмашишди. Жуда кўплаб таклифлар берилди. Форум якунида муҳим ҳужжат – Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, форум якунида қабул қилинган Самарқанд декларацияси нафақат юртимиз аёллари, балки қитъамиз хотин-қизлари учун ҳам ҳар томонлама фойдали ва манфаатли бўлади.

Худудлардан хабарлар

УЧ БЎҒИНЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

Олий Мажлис Сенати томонидан жойлардаги муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ва сенаторларнинг «Маҳалла еттичилиги» билан ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Бундан кўзланган мақсад – маҳалла институтининг жамиятдаги ролини ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга эришишдир.

Бу борада Сенат аъзолари Н.Умаров, Р.Каланов, Ш.Сағдуллаев «Маҳалла еттичилиги» – Кенгаш – Сенат» уч бўғинли ҳамкорлик доирасида пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги «Қанқон» ҳамда «Тузел» МФЙларида «Маҳалла еттичилиги» вакиллари фаолияти, амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ўрганиш доирасида сектор, мутасадди вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинулари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Худудларнинг инвестициявий дастурлари ижроси, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали уларнинг муаммоларини ҳал этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.



Шунингдек, мулоқотлар давомида хотин-қизлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор вазифа экани алоҳида қайд этилди. Мутасаддиларга ишчи бўлган ҳамда ишлаш истагини билдирган хотин-қизларнинг имконият ва эҳтиёжларини ўрганиш, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, тиббий, ижтимоий, психологик ёрдамга муҳтож бўлган аёлларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Тадбир давомида маҳаллалардаги амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

манба: senat.uz

Партия ташаббуси билан

ТЕМИР ЙЎЛ ЙЎЛОВЧИЛАРИГА яна бир қулайлик



Аввал хабар берганимиздек, жойларда янги таҳрирдаги Конституциямизнинг «Адолат» СДП ташаббуси билан яратилган аудиокино тарғибот тадбирлари давом этмоқда. Шундай тақдиротлардан навбатдагиси «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Ислон Ҳамроев, партия Марказий аппарати масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурдаги «Ёшлар парламенти» аъзолари, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти жамоаси ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида бўлиб ўтган мазкур тадбир давомида конституцион нормалар мазмун-моҳиятини қулай ва осон тарзда тушунириш, ўқиш ва кундалик ҳаётда Бош қомусимизнинг муҳим нормаларини самарали ўрганиш имконини берувчи аудиокино аҳолининг барча қатлами учун исталган жойда ва исталган вақтда ўрганиш имкониятини бериши борасида сўз юритилди.

Торда имконияти чекланган юртдошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятини юксалтириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда замонавий ахборот технологияларининг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда яратилган қулай ва интерактив юридик адабиётларга талаб юқори. «Ўзбекистон темир йўллари» муассасасида бўлиб ўтган тадбир давомида «Адолат» СДП томонидан яратилган Бош қомусимизнинг аудиокино соҳада фаолият олиб бораётган темирйўлчи ходимларга иш фаолиятида яқиндан асқотилиши, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда катта аҳамиятга эга эканлиги қайд этиб ўтилди.

– Конституциямиз мазмун-моҳиятини англаш, қонунларни мукамал билиш фуқароларнинг қонун олдидаги жавобгарликларини ошириш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқ



ва манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади. Бош қомусимизнинг партиямиз ташаббуси билан яратилган аудиокинобу бу борада фуқароларимизнинг энг яқин кўмакчисига айланishiга ишонамиз, – деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Ислон Ҳамроев.

Дарҳақиқат, Конституцияни мукамал билиш инсон эркинлигининг кафолатидир. Давлат манфаатларидан халқ манфаати устунлиги эътирофи эътилолган мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг эрки ва соадати қонун ҳимоясига асосланганлигини Конституциямизда аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилгани билан аҳамиятлидир.

Қизгин фикр-мулоҳазалар тарзида ўтган тадбир якунида партия аудиоки-

нолар тўплами жамият раҳбариятига топширилди.

Маълумот ўрнида алоҳида таъкидлаб ўтишимиз кераки, муассасада бўлиб ўтган тарғибот кунининг ўзидаёқ «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти поездларининг йўловчи вагонлари Конституциямизнинг аудиокино билан таъминлана бошланди. Мазкур ташаббус фуқароларимизга сафар давомидаги вақтларини мазмунли ўтказиш баробарида, конституциямизнинг халқчил нормалари билан яқиндан танишиш имкониятини беради, албатта.

Конституция аудиокинобининг тарғибот тадбирлари республикамиз бўйлаб давом этмоқда.

«Адолат» СДП Матбуот хизмати

ОАВ партия фаолиятини жонлантиради

Сиёсий партия фаолиятини жонлантириш, ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Жамоатчилик орасига чуқур кириб бориш ва электорат билан ишлашнинг энг қулай йўли ҳам ОАВ демокдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилоят кенгашида матбуот хизмати ташаббуси билан «Сиёсий партия ва ОАВ: ҳамкорлик, тарғибот ва таклиф» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия етакчилари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида бугун жамият ривожидида ОАВнинг тутган ўрни, чинакам халқ минбарига айлангани ва фуқаролар ўз фикрларини эркин билдиришлари учун кенг имкониятлар яратилгани тўғрисида сўз борди. Жамоатчилик билан ишлашда ОАВдан самарали фойдаланиш ва бу борадаги таърибалар партия етакчилари ва журналистлар томонидан кўрсатиб ўтилди.

Таъкидланганидек, сиёсий партиялар фаолиятида тарғибот-ташвиқот алоҳида аҳамиятга эга. Тўғри ва самарали ташкил этилган тарғибот фаолияти партиянинг танилувчанлигини оширади ва ютуқларини таъминлайди. Партия фаоллари биргина сиёсий жараёнлар вақтида эмас, ҳамма вақт ОАВ ходимлари билан биргаликда ишлаш мақсада мувофиқ, Партиянинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, Сайловди дастури билан жамоатчиликни доим таништириб бориш лозим. Бу ўз-ўзиндан фуқароларнинг партияга бўлган қизиқишини оширади. Қолаверса, партия фаолларининг ОАВдаги чиқишлари фуқароларнинг сиёсий билимлари ва фаоллигини оширишга хизмат қилади.



– Сайловчиларнинг сиёсий партияларга бўлган ишончи ва эътибори йиллар давомида шаклланади, – деди «Адолат» СДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари Малоҳатхон Мусаева. – Бу йўлда биргина партиявий тадбирлар етарли эмас. Кўпчиликни партия фаолияти билан таништириш учун телевидение, радио, газета ва бугун ҳаётимизга кенг кириб келган ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш лозим. Шундан келиб чиқиб, биз маҳаллий ОАВлар билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Ҳар бир партия фаоли олдига матбуотда ўз фаолияти бўйича чиқишлар қилиб бориш вазифаси қўйилган.

Тадбир савол-жавоб ва таклифларга бой тарзда ўтди.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

Депутат минбари



Мамлакатимиз ташқи сиёсати

ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифалари

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирганидан сўнг, халқаро майдонда кўплаб суверен давлатлар унинг мустақиллигини тан олди. Бу эса табиий равишда мустақил давлат ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратишни долзарб вазифага айлантирди.

Қодир ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ўз ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратишга муваффақ бўлди. Бу борада энг асосий қонун ҳужжатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги "Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни санаб ўтиш мумкин.

Ташқи сиёсатни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида гапирганда, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. 2023 йил 30 апрелда Умумхалқ референдумида қабул қилинган янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизнинг тинчликпарвар ташқи сиёсати билан боғлиқ янги норма ва қоидалар, қатор моддалар, ҳусусан, 17-ва 18-моддаларга ўз аксини топди. Ушбу норма ва қоидалар мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ташқи сиёсати конституциявий асосларини янада мустаҳкамлади.

Чунинчи, Бош қомусимизнинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқий субъекти экани, унинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларига асосланиши қайд этилган бўлиб, улар бирма-бир санаб ўтилган.

Жумладан, ташқи сиёсатимиз давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таъдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низо-ларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланиши қатъий белгиланган.

Конституцияимизнинг Ўзбекистон ташқи сиёсати билан боғлиқ яна бир моддаси — 18-модда бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсат юритиши алоҳида мустаҳкамлаб кўйилган. Ушбу моддада, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлатининг, халқнинг олий манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигиндан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан чиқishi мумкинлиги ҳам ўз аксини топган.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги энг асосий ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бу, шубҳасиз, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунидир. Мазкур ҳужжат дастлаб 1995 йилда қабул қилинган бўлиб, унда қатор прогрессив нормалар ўз аксини топган бўлса-да, бироқ халқаро шартномаларни ҳуқуқий ва бошқа экспертизадан ўтказишнинг предмети аниқ кўрсатилмаган ҳамда халқаро шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш ва бу жараён устидан кузатув олиб бориш механизми етарли шакллантирилмаган эди. Шу босис масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадига ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг шартномавий-ҳуқуқий амалиётида тўпланган тажрибани инобатга олган ҳолда 2019 йилда мазкур қонун янги тахрирда қабул қилинди.

Яна бир ҳужжат — 2012 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий принципларини, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ташқи сиёсий фаолият концепциясида халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий шартномалари билан боғлиқ янги норма ва қоидалар, қатор моддалар, ҳусусан, 17-ва 18-моддаларга ўз аксини топди. Ушбу норма ва қоидалар мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ташқи сиёсати конституциявий асосларини янада мустаҳкамлади.

Чунинчи, Бош қомусимизнинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқий субъекти экани, унинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларига асосланиши қайд этилган бўлиб, улар бирма-бир санаб ўтилган.

Жумладан, ташқи сиёсатимиз давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таъдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низо-ларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланиши қатъий белгиланган.

Конституцияимизнинг Ўзбекистон ташқи сиёсати билан боғлиқ яна бир моддаси — 18-модда бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсат юритиши алоҳида мустаҳкамлаб кўйилган. Ушбу моддада, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлатининг, халқнинг олий манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигиндан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан чиқishi мумкинлиги ҳам ўз аксини топган.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги энг асосий ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бу, шубҳасиз, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунидир. Мазкур ҳужжат дастлаб 1995 йилда қабул қилинган бўлиб, унда қатор прогрессив нормалар ўз аксини топган бўлса-да, бироқ халқаро шартномаларни ҳуқуқий ва бошқа экспертизадан ўтказишнинг предмети аниқ кўрсатилмаган ҳамда халқаро шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш ва бу жараён устидан кузатув олиб бориш механизми етарли шакллантирилмаган эди. Шу босис масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадига ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг шартномавий-ҳуқуқий амалиётида тўпланган тажрибани инобатга олган ҳолда 2019 йилда мазкур қонун янги тахрирда қабул қилинди.

Яна бир ҳужжат — 2012 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий принципларини, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ташқи сиёсий фаолият концепциясида халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий шартномалари билан боғлиқ янги норма ва қоидалар, қатор моддалар, ҳусусан, 17-ва 18-моддаларга ўз аксини топди. Ушбу норма ва қоидалар мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ташқи сиёсати конституциявий асосларини янада мустаҳкамлади.

Чунинчи, Бош қомусимизнинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқий субъекти экани, унинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларига асосланиши қайд этилган бўлиб, улар бирма-бир санаб ўтилган.

Жумладан, ташқи сиёсатимиз давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таъдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низо-ларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланиши қатъий белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирганидан сўнг, халқаро майдонда кўплаб суверен давлатлар унинг мустақиллигини тан олди. Бу эса табиий равишда мустақил давлат ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратишни долзарб вазифага айлантирди.

Қодир ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ўз ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратишга муваффақ бўлди. Бу борада энг асосий қонун ҳужжатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги "Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни санаб ўтиш мумкин.

Ташқи сиёсатни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида гапирганда, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. 2023 йил 30 апрелда Умумхалқ референдумида қабул қилинган янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизнинг тинчликпарвар ташқи сиёсати билан боғлиқ янги норма ва қоидалар, қатор моддалар, ҳусусан, 17-ва 18-моддаларга ўз аксини топди. Ушбу норма ва қоидалар мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ташқи сиёсати конституциявий асосларини янада мустаҳкамлади.

Чунинчи, Бош қомусимизнинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқий субъекти экани, унинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларига асосланиши қайд этилган бўлиб, улар бирма-бир санаб ўтилган.

Жумладан, ташқи сиёсатимиз давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таъдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низо-ларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланиши қатъий белгиланган.

Конституцияимизнинг Ўзбекистон ташқи сиёсати билан боғлиқ яна бир моддаси — 18-модда бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсат юритиши алоҳида мустаҳкамлаб кўйилган. Ушбу моддада, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлатининг, халқнинг олий манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигиндан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан чиқishi мумкинлиги ҳам ўз аксини топган.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги энг асосий ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бу, шубҳасиз, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунидир. Мазкур ҳужжат дастлаб 1995 йилда қабул қилинган бўлиб, унда қатор прогрессив нормалар ўз аксини топган бўлса-да, бироқ халқаро шартномаларни ҳуқуқий ва бошқа экспертизадан ўтказишнинг предмети аниқ кўрсатилмаган ҳамда халқаро шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш ва бу жараён устидан кузатув олиб бориш механизми етарли шакллантирилмаган эди. Шу босис масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадига ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг шартномавий-ҳуқуқий амалиётида тўпланган тажрибани инобатга олган ҳолда 2019 йилда мазкур қонун янги тахрирда қабул қилинди.

Яна бир ҳужжат — 2012 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий принципларини, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Худудлардан хабарлар

ҲАМШИРАЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Бутун дунёда ҳар йили 12 май — Халқаро ҳамширалар куни сифатида кенг нишонланади. Узининг фидойиллиги билан халқимиз орасида ҳурмат қозонган, матонат ва жасорат соҳибаси бўлган ҳамширалар чинакам маънода саломатлигимиз посбонларидир. Ҳамшираларнинг касбий билим ва малакаларини ошириб бориш, моддий ва маънавий рағбатлантириш уларнинг касбига бўлган меҳрни янада оширади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП сафида бугунги кунда минглаб тиббиёт ҳамширалари борлиги барчамизнинг фахримиз, албатта. Зеро, тиббиётдаги барча ислохотлар инсон қадрини улуглаш учун хизмат қилади.

Партиянинг Фарғона вилояти кенгаши раиси Шаҳноза Ғаниева Фарғона шаҳридаги энг катта бошланғич партия ташкилотларидан бири бўлган 3-сонли оилавий поликлиника жамоаси билан учрашди. Ш.Ғаниева барча ҳамшираларни касб байрами билан муборакбод этиб, жамоага энг сўнгги русумдаги компьютер жамланмасини совға қилди.

— Бугун биз жамоамиз билан жуда хурсандмиз, — дейди поликлиника бошланғич партия ташкилоти раиси Кибрийёхон Абдуллаева. — Замон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ахборот технологияларини чуқур қўллаган ҳолда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишимизда «Адолат» партияси томонидан туҳфа қилинган компьютер жамланмаси катта кўмакчимизга айланишига ишончимиз комил.



Тадбир давомида партия сафида кириш истагини билдирган ўндан ортиқ тиббиёт ходимларига партиянинг аъзолиги билетлари топширилди.

Гулчехра АҲМЕДОВА,
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

СПОРТЧИ ОИЛАЛАР БЕЛЛАШДИ

"Адолат" СДП Ғазгон шаҳар кенгаши томонидан 15 май — Халқаро оила кунига бағишлаб шаҳардаги 2-сонли давлат мактаб-гача таълим ташкилотига ота-оналар ва болалар иштирокида "Биз — спортчилар оиласимиз" мавзусида спорт мусобақаси бўлиб ўтди.



Тадбирда халқ депутатлари Ғазгон шаҳар Кенгаши депутати Ойгул Шарипова сўзга чиқиб, оилалар билан боғлиқ муаммолари масалаларга давлат ва жамоатчилик эътиборини қаратиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараёнлар ҳақидаги билимларини чуқурлаштиришнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 1993 йил 20 сентябрда "Халқаро оила кунини тўғрисида"ги резолюция қабул қилинган. Ушбу халқаро ҳужжатга мувофиқ 1994 йилдан бошлаб 15 май — Халқаро оила кунини сифатида дунёнинг барча давлатларида нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан 15 май "Халқаро оила кунини" сифатида юртимизда ҳам кенг нишонлаб келинмоқда.

Партия ташаббуси билан ўтказилган спорт мусобақаси ҳам оилалардаги соғлом турмуш тарзи ва муҳитни қарор топтириш билан аҳамиятли бўлди.

Тадбир сўнггида мусобақа ғолиблари партиянинг Ғазгон шаҳар кенгаши томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати

"ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ"

Ўзбекистон "Адолат" СДП Когон шаҳар кенгаши, республика Маънавият ва маърифат маркази Когон шаҳар бўлинмаси ҳамкорлигида шаҳардаги 11-умумий ўрта таълим мактаби юқори синф ўқувчилари иштирокида "Жаҳолатга қарши маърифат" деб номланган тарғибот тадбири ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда ёшларга қаратилган улкан эътибор, уларга яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида тўхталиб, мафкуравий таъхидларнинг олдини олишда оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтириш, маҳалла еттичилиги билан ҳамкорликда ишлаш тўғрисида мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган мафкуравий хатарлар ва уларнинг олдини олиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Давра суҳбати давомида мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига ҳавф солувчи турли ички ва ташқи таъхидларга қарши самарали кураш олиб бориш тўғрисида мулоҳазалар билдирилди.

Сир эмас, барча бузғунчилар ва жиноятлар жоҳиллик ботқоғида кўкарса, барча яхшиликлар ва гўзал амаллар маърифат чашмасидан озикланади. Қайси жамиятда жаҳолат авж олса, ўша жамият ҳар томонлама таназзулга юз тутаяди ва ақинча, қаерда маърифат ҳўкм сурса, ўша юрт ҳар томонлама равнақ топади. Тарғибот тадбирида ана шу фикрлар ўртага ташланди.

Шоҳжохон ИСАМУТДИНОВ,
халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгаши депутати

“ADOLAT” шарҳи

CORPORATE GOVERNANCE



Корпоратив бошқарув —

ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, турли мулкчилик ва ҳўжалик юриштиш шаклларига асосланган корхона ва бирлашмаларни модернизация қилиш орқали улар фаолиятини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Мўътабар ХОДЖАЕВА,
ТДИУ “Молиявий таҳлил ва аудит”
кафедраси доценти

Хусусан, акциядорлик жамиятлари фаолиятида кузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар акциядорларнинг бошқарув жараёнидаги иштирокини таъминлаш, барча акциядорларни ва инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришга тааллуқли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» қабул қилинган фармонида белгиланган вазифалар, хусусан, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларнинг давом эттириш жараёнида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтиришни изчил амалга ошириш янада муҳим ўрин тутди.

Бу жараёнда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни тақомиллаштириш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Чунки миллий иқтисодиётда корпоратив секторни муваффақиятли ривожлантириш учун самарали бошқарув замонавий механизмларни тезкор жорий этиш давр талабидир. Корпоратив бошқарувнинг паст даражаси акциядорлик жамиятларида инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва бизнесни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан бири билан юзага келган кийинчиликларнинг энг муҳим сабабларидан бири ҳисобланади. Айнан шунинг учун сўнгги йилларда корпоратив бошқарувни тақомиллаштириш масаласи ҳам давлат, ҳам бозор иштирокчиларининг эътиборини тортмоқда.

Ваҳоланки, корпоратив бошқарувнинг самарадорлиги кўплаб омиларга, хусусан, корпоратив бошқарув стандартларига риоя этишга боғлиқ. Самарали корпоратив бошқарув — инвесторлар учун акцияларни сотиб олиш, узоқ муддатли инвестицияларни амалга ошириш учун сигналдир. Бунинг сабаби, самарали корпоратив бошқарув инқирозли вазиятлар рўй бериш хавфини камайтиради ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг муваффақиятли ҳал этилиш эҳтимолини оширади, акциядорлар ва инвесторлар билан муносабатларнинг ошқоралигини таъминлайди.

Шу билан бирга, корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлиги нафақат компания бозор қийматини оширади, балки ўз навбатида, молиявий бозорларда рақобатбардошликни оширади, кредитлаштириш қийматини пайсаятиради ҳамда инвесторлар учун уни янада жозибадор қилади.

Республикаимиз акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув стандартларини жорий этишга, корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга бўлган масъулиятни сезмоқда. Аммо акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув стандартларини жорий қилишда йўл қўйилаётган камчиликлар, акциядорлик қонунчилиги доирасида ҳуқуқий базани тақомиллаштириш эҳтиёжи, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш мезонларини қўллашдаги қийинчиликлар тўлақонли корпоратив бошқарув стандартларини татиб қилиш имконини бермапти.

Айниқса, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун илмий жиҳатдан мустаҳкам методологиянинг етишмаслиги корпоратив стандартларга риоя қилиш зарурлигини тушунишни кийинлаштиради.

Бундан ташқари, акциядорлар ва ижроия органлари ўртасидаги муносабатларнинг акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини оширишдаги муаммоси ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Профессional бошқарувчиларнинг салоҳияти етарли эмаслиги, бошқарувда назоратнинг йўқлиги муаммоси, хорижий компанияларнинг интеграциялашуви, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ташқи бозорларга чиқиш ва шу кабилар учун жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Турли халқаро ташкилотларнинг, жумладан, Жаҳон банки, OECD, EBRD ва KPMG методологияси, PWCнинг GAMMA методологияси, Standard and Poor's рейтинг агентлигининг корпоратив бошқарувни баҳолаш методологиясига доир таҳлилларида корпоратив бошқарув ак-

циядорлик жамиятларининг самарадорлигини баҳолашда асосий элемент эканлигини қайд этиш билан биргаликда жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари фаолиятини баҳолаш ҳам методологиянинг ажралмас қисми сифатида қаралади.

Акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув тизимини диагностика асосида баҳолаш жаҳоннинг турли компаниялари бизнес амалиётида қўлланиладиган асосий рейтинг кўрсаткичи сифатида эътироф қилинмоқда. Корпоратив бошқарув тизими диагностикаси нафақат бошқарув ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини аниқлашни, балки акциядорлик жамиятлари бошқарувида рўй бераётган жараёнлар динамикасининг талқинини ҳам билдиради. Акциядорлик жамиятларининг фаолиятига нисбатан бундай замонавий ёндашув бошқарув ва назорат органларининг самарадорлигини ошириш, салоҳиятини кўтариш имконини беради.

Мамлакатимиз олимлари томонидан корпоратив бошқарув тизимининг айрим жиҳатлари, назарий методологик асослари тадқиқ қилинган. Бироқ акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини комплекс диагностика қилиш масаласи қамраб олинмаганлиги ва республикаимизда корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун етарли тадқиқот ишлари мавжуд эмаслиги ҳам бор гап.

Бугунги кунда самарали корпоратив бошқарув тизими инвестицион қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи омил сифатида қаралмоқда ва шу боис корпоратив бошқарув тизими мавжуд бўлмаган компания рақобатбардош ва инвестицион жозибадор бўлиш учун бозорнинг тўлиқ иштирокчисига айланish имкониятига эга эмас. Жаҳон амалиётида сўнгги ўн йилликда корпоратив бошқарувга бўлган бундай жиддий эътиборнинг асосий мезони инвесторлар учун янада хавфсизроқ ва қўлай муҳит яратиш истаги ҳисобланади.

Муносабат

ХАЙРЛИ ТАШАББУС БАРЧАМИЗНИ ҚУВОНТИРДИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудованинг ташаббуси суд тизимида фаолият юритаётган барча судьяларни бирдек қувонтирди. Партия етакчисининг ташаббусига кўра янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аудиокиتابи ишлаб чиқилди. Бу эса ҳар бир фуқарога ушбу аудиокиتابни исталган жойда ва исталган вақтда ўрганиш имкониятини беради.



Одилжон ИСМОИЛОВ,
ҳуқуқшунос

Судьялик фаолиятим давомида шунга иқрор бўлдимки, аксарият ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар мавжуд қонунларни билмаслик оқибатида юзага келади.

Халқ Конституцияси, деб эътироф этилаётган Бош қомусимиз халқимизнинг хоши-иродасига кўра, халқ ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жаҳон тажрибаси ва халқ иродаси асосида яратилди. Бош қомусимизнинг моддалари сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди.

Давлат манфаатларидан халқ манфаати устунлиги эътироф этилаётган мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг эрки ва саодати қонун ҳимоясига асосланганлиги Конституцияда аниқ ва равшан кўрсатиб утилгани билан аҳамиятлидир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, жаҳон тажрибасига кўра, ҳуқуқий давлатда барча жараёнлар қонуний асослар устига қурилади. Қолаверса, ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимияти ҳам қонунларга бўйсунди ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Қомусимиз ва у асосда яратилган қонунларни мукамал билиш эса фуқароларнинг қонун олдидаги жавобгарлигини ошириш баробарида, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга замин яратди.

Ўзбекистонлик ҳар бир фуқаро фахр билан шуни англаши зарурки, Конституциянинг янги таҳририда “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади”, деб кўрсатиб ўтилган.

Демак, Конституцияни мукамал билиш инсон эркинлигининг кафолатидир. Бу эзгу йўлда яратилган аудиокиتاب эса халқимизнинг ўз ҳуқуқлари ва бурчларини батафил билишларига замин яратди. Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдек олийжаноб хайрли ҳаракат учун “Адолат” социал-демократик партияси фаолларига миннатдорлик билдираман.

Ҳар бир давлатда қонун устуворлигига эришиш фуқароларнинг бахти ва саодати, халқ фаровонлиги ва давлат раванқининг кафолатидир. Мен судья сифатида, ўз давлати ва халқини қадрлайдиган инсон сифатида ҳар бир юрtdошимизга Конституциянинг аудиокитабидан фойдаланишни маслаҳат бераман.

Жиноятга жазо муқаррар

СОХТА БЛОГЕР ТОВЛАМАЧИЛИК ҚИЛАЁТГАНДА УШЛАНДИ

Агар ҳаётда инсоннинг бўйни меҳнатга ёр бермаса, у бировнинг ҳақиға кўз олайтира бошлайди. Яъни, осон пул топишга уринади. Оқибатда ўғирлик, талончилик, фирибгарлик ёки товламачилик сингари оғир ва ўта оғир жиноятларга қўл уради.

Иномжон НОРМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қува туман судининг судьяси



ларини текшириш учун фуқаро Ш.Юлдашев бошқарувидаги “Спарк” русумли автомашина тўхтади. Машина тўхтагач, у фуқародан ҳайдовчилик гувоҳномасини тақдим қилишини сўрайди.

— Узр, командир, “права” ва бошқа ҳужжатларим уйда қолиб кетибди, — дейди Ш.Юлдашев транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини инспекторга узатиб.

Қонун талабига асосан ҳолат бўйича маъмурий баённома расмийлаштириб, транспорт воситаси вақтинчалик жарима майдончасига қўйилиши керак. А.Алиев ҳайдовчига шуни тушунтиради. Бироқ Ш.Юлдашев онаси касаллиги сабабли машина жуда зарурлигини, жарима тўлашга ҳам имкони йўқлигини билдириб, инспекторга пора таклиф қилади. Яъни, у чўнтагидан бир даста пул чиқариб, санай бошлайди.

— Бу ишингиз жиноят эканлигини билмай-сизми? Жаримани эса менга эмас, банкка тўлайсиз, — деб хизмат автомашинаси томон кетади ҳодим.

Аслида бунақа вазиятда инспектор ҳайдовчининг ноқонуний таклифи юзасидан ИИБ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилиши лозим эди. Лекин Ш.Юлдашев онаси касаллигини айтгани боис унинг оилавий шароитини инобатга олиб, инспектор билдирги ёзмайди. Ана шу кўнгилчанлиги эса ўзига панд беради.

Буни қарангки, ҳайдовчи Ш.Юлдашев инспектор билан суҳбати ва ўзининг чўнтагидан пул чиқариб санаётганини гўёки ҳодим пора сўрагандек ҳолатда уяли телефони орқали видеотасвирга тушириб олган экан. Воқеанинг эртасига “қаҳрамон”имиз Улугбек Маликов Бувайда туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи бошлиғи Д.Юлдашевнинг хизмат хонасига кириб боради.

— Ҳамкасбингиз менга бир танишимдан пора олибди, — дейди меҳмон баландпарвоз оҳангда.

— Бўлиши мумкин эмас, мен ишонмайман, — дея унинг сўзларини рад этади бошлиқ.

— Мана, мен сизга ёлгон гапларимидим, — деб уяли телефонидан ўша видеотасвирни очиб кўрсатади У.Маликов.

Шундан сўнг Улугбек асл мақсадга ўтади.

— Уша инспекторингиз ёш, тизимга яқинда ишга кирган ҳодим экан. Тагин қўйиб қолмасин, деб сизнинг олдингизга келдим.

У шундай дея видеотасвирларни ижтимоий тармоқларда тарқатмаслик ёки блогерларга юбормаслик ҳамда юқори турувчи идораларга шикоят қилмаслик эвазига А.Алиев 15.000 АҚШ долларини бериши лозимлигини таъкидлайди. Қолаверса, видеотасвирни бошлиқнинг телефонига телеграмм орқали жўнатиб қўяди. Кейин эртага яна келишини айтиб чиқиб кетади.

Албатта, сохта блогер У.Маликовнинг товламачилигига нисбатан қонуний йўл тутилади. Аниқроғи, инспектор вилоят ИИБ бошлиғи номига билдирги киритади. Икки кундан сўнг эса мазкур ҳолат бўйича ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Улугбек Маликов Бувайда туман ИИБ ЙХХ гуруҳи биносига А.Алиевдан талаб қилинган 15.000 АҚШ долларидан 10.000 АҚШ долларини олаётган вақтда ушланади. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Афсуски, тилга олинган товламачилик У.Маликовнинг ягона жинояти эмас экан. Негаки, жиноят ишини тергов қилиш мобайнида унинг Олтиариқ туманидаги “Водий авто ўргатувчи” МЧЖ раҳбари Фуломжон Эрназаров, жияни Асалхон Қодирова ҳамда жиноят ишининг унга нисбатан қисми алоҳида иш юритувига ажратилган фуқаро А.Раҳмоновлар билан бирга ҳам жиноят содир этгани аниқланади. Маълум бўлишича, улар аслида “Водий авто ўргатувчи” МЧЖда ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун ўқимаган А.Қодированинг 2018 йил 20 апрелдан 2018 йил 21 июлгача “В” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ўқиб, амалий машғулотларни топширганлиги ҳақидаги расмий ҳужжатларни сохталаштиришди.

Натижада Асалхон “Ҳайдовчининг шахсий имтиҳон варақаси” ва тегишли рақамдаги гувоҳномани Фарғона вилоят ИИБ ЙХХБ Риштон тумани 2-сонли рўйхатга олиш ва имтиҳон олиш бўлимига тақдим этиб, “В” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси олишга эришади.

Шу аснода Ф.Эрназаровнинг ҳам муқаддам содир этган жинояти фов бўлади. Аниқланишича, Фуломжон 2021 йил май ойидан бунён 1 йил мобайнида Олтиариқ туманидаги “Шарофатхон интенсив боғи” фермер ҳўжалиғига ҳам раҳбарлик қилиб келган. Уша пайтда — 2021 йил 25 майда туман ҳокимининг 496-сонли қарорига асосан “Шарофатхон интенсив боғи” фермер ҳўжалиғига интенсив лимонория ташкил қилиш учун 1 гектар ер майдони ажратиб берилди. Аммо ҳўжалик раҳбари ўзбошимчалик билан ўша ернинг 0,24 гектар қисмига автомобильга техник хизмат кўрсатиш лабораториясини куриб олади. Натижада суғориладиган ернинг умумдор қатлами йўқолишига сабабки бўлиб, давлат манфаатларига 120 миллион 54 минг сўм зарар етказди.

Бундан ташқари, Фуломжон Эрназаров 2022 йил март ойида таниши Жаҳонгир Махситалиев ва дастлабки тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахс билан жиноий тил бириктириб, қурилган бино-иншоотларга кадастр ҳужжатларини қалбақлаштириб тайёрлайди. Сўнгра қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда давлат ташкилотларига тақдим этиб келган. Бинобарин, мазкур ҳолатлар бўйича ҳам жиноят иши қўзғатилиб, юқоридаги жиноятга бирлаштирилади.

Жиноят ишлари бўйича Қува туман суди судланувчиларни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, У.Маликовни озоқликдан маҳрум қилиш, Ф.Эрназаровни озоқликни чеклаш, А.Қодирова ва Ж.Махситалиевларни эса алоққ тузатиш иши жазосига маҳрум этди. Шунингдек, суд ҳўқмида Фуломжон Эрназаровдан давлат фойдасига 120 миллион 54 минг сўм зарарни ундириш ҳам белгиланди.

Риштонлик Улугбек Маликов (исм-шарифлари ўзгартirilган) 30 ёшдан ошса ҳам уйланиб, оила қурмади. Боз устига бирор жойда ёлчиб ишламади. Унинг фельд-атворидаги қусурлари бизга номаълум. Аммо ҳалолу ҳаромнинг фарқиға бормагани аниқ. Акс

ҳолда товламачилик қилиб, юзи шувит бўлмас эди.

Гап шундаки, Фарғона вилояти ИИБ ЙХХБ инспектори А.Алиев дислокацияга асосан Бувайда туманининг А.Навоий кўчасида хизмат олиб бораётган пайтда қарздорлиги ва ҳужжат-



Мисол учун,
экологияни
асраб-
авайлашга
қаратилган
лойиҳанинг тармоқдаги
саҳифаси энг ошиғи
билан 22 минг обуначига
эга бўлса,
тутириқсиз, беъмани ва
ахлоқсизликни тарғиб
қилувчи лойиҳанинг 100
мингдан кўп обуначиси
бор саҳифаларни санасак,
саноғидан адашамиз.
Шуларни ўйлаб, одамларга
нимадир берайлик,
кимнидир хурсанд қилиб,
ҳаётга бўлган қизиқишини
оширайлик, деган
мақсадда атрофимда
кўнглини танишларимни
тўплай бошладим.

ЯХШИЛИК ҚИЛ, ЯХШИЛИК ДАН ЯХШИСИ ЙЎҚ!

Дунё медиа минбарига айланган инстаграм ижтимоий тармоғида яна бир ўзбек йигити пайдо бўлди. Кўп ҳолларда савиясиз, саёз ва маиший мавзуларни оммага ҳавола этиб, фақатгина бир зумлик машҳурликка эришаётган "блогерлар"дан устун йигит. Унинг фаолияти, қилаётган ишлари бошқаларникидан анча фарқли. Қаҳрамонимиз эҳтиёжманд оилалар, муҳтож инсонларга яхшилик қилади, кўнглини кўтаради. Биргача ҳомийлар ва саховатпеша инсонларни жалб қилиб, уй қуриб бера, яна бирига саломатлигини тиклаш учун беғарас маблағ ажратади.

Сезганингиздек, бу йигит муҳтожларга хайр-саховат кўрсатиш ва меҳр улашишда ўз ўрнига ва 534 минг тармоқ обуначисига эга бўлиб улгурган Элдорбек Жўрабоевдир. Қаҳрамонимиз эҳтиёжманд оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериб, яхшилик ва эзгуликнинг замон ва макон танламаслиги, одамлилик ижтимоий тармоқда ҳам шиддатли тўлқин мисол ёйишлигини амалда исботлади.

Элдорбек Жўрабоев билан унинг хайрли ташаббуси, айни дамдаги иш фаолияти ҳамда кенг жамоатчиликнинг унга муносабати ҳақида суҳбатлашдик.

– Элдорбек, сиз билан учрашиб турганимиздан хурсандимиз. Очиги, фаолиятингизни кузатиб, таъсирландик. Бу олам яхшилик, меҳр-мурувват билан ёрқин ва лаззатли бўлишини хис қилдик, таъбир жоиз бўлса. Келинг, анъанага мувофиқ суҳбат аввалида ўзиниз ҳақингизда маълумот бериб ўтсангиз.

– 2001 йилнинг 16 ноябрида Наманган вилояти, Чортоқ туманида туғилганман. Ҳозирги кунда аҳолига график дизайн бўйича мутахассис сифатида онлайн дўкон хизматларини кўрсатиб келимоқдамиз. Қолаверса, инсонлар ҳаётини яхши томонга ўзгартириш мақсадида инстаграмда очилган "Элдорбек Жўрабоев" лойиҳаси раҳбариман.

– Тармоқдаги фаолиятингиз қисқа муддат ичида анчагина танилди. Бундай хайрли ташаббусни амалга оширишга нима туртки бўлган?

– Мен ҳам бошқа ёшлар қатори инстаграмда фаол кузатувчилардан эдим. Турли хил видео контентлари, ёшларнинг "қаҳрамони"га айланган тармоқ кишиларининг вайнларини томоша қилиб, бўш вақтимни асосан шунга сарфлардим. Бироқ англаб етдимки, бу ерда ҳамма учун манфаатли, ўйлашга ва мушоҳада қилишга ундовчи медиа маҳсулотлар бармоқ билан санарли экан. Чунки аудиториянинг

катта қисми аввалдан шундай контентлар кўриб, "кўзи қотгани" боис, энди одамларга нафи тегадиган, яхшиликка хизмат қилувчи лойиҳалар қиламан, деган ёшларнинг бозори касод бўлиб боряпти. Мисол учун, экологияни асраб-авайлашга қаратилган лойиҳанинг тармоқдаги саҳифаси энг ошиғи билан 22 минг обуначига эга бўлса, тутириқсиз, беъмани ва ахлоқсизликни тарғиб қилувчи лойиҳанинг 100 мингдан кўп обуначиси бор саҳифаларни санасак, саноғидан адашамиз. Шуларни ўйлаб, одамларга нимадир берайлик, кимнидир хурсанд қилиб, ҳаётга бўлган қизиқишини оширайлик, деган мақсадда атрофимда кўнглини танишларимни тўплай бошладим. Маслаҳатни бир жойга қўйиб, лойиҳанинг қандай бўлиши, нималар қилиш кераклиги хусусида келишиб олдик. Яъни, асосий фаолиятимиз – эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига моддий ва маънавий кўмак бериш эди. Дастлаб уринишларимиз, қилган ишларимиз парда ортида қолишини хоҳлагандик, лекин одамларни яхшиликка чорловчи контентлар эълон қилсак, ҳамма учун фойдали бўлади, деб ҳисобладик.

– Бу жараёнда, яъни, ҳақиқий эҳтиёжманд инсонларни топшишда сизга кимлар кўмаклашади?

– Албатта, жараёни ташкиллаштириш осон кечмайди. Негаки, моддий ёки маънавий ёрдам олишни айрим инсонлар исташмайди. Ҳаттоки бунга ишонилмайди ҳам. Бунга ёрқин мисол сифатида, фаолиятимиз мобайнида олинган видео лавҳаларнинг 80 фоизиди шундай ҳолатлар акс этганини келтириш мумкин. Яъни, уларда кўплай миқдорларимиз ёрдамимизни рад қилишган, ийманишган. Энди саволнинг ўзига қайтадиган бўлсак, биз эҳтиёжманд инсонларни доимий қидириб юрамиз. Лойиҳа нафақат пойтахт, балки вилоятлар, олис ҳудудлардаги ёрдамга муҳтож инсонларни ҳам қамраб олади. Бунда бизга вилоят ва туман ҳокимликлари, маҳалла идораси вакиллари яқиндан кўмаклашади. Шундай инсон топиладими, унинг ҳозирги кундаги аҳволи, яшаш шароити ва турмуш даражаси ўрганилади. Агар биз излаган инсон бўлса, керакли моддий ёрдам ва бошқа турдаги хизматларимизни уларга тақдиф қиламиз.

– Эҳтиёжманд инсонларнинг уй-жойларини таъмирлаш ва жиҳозлаш учун озмунча маблағ кетмаса керак? Савол саволага йўл очди: ташаббусларингизни молиялаштиришда муаммолар кузатилмайдими?

– Бизни шу жиҳат аввал ҳам, бундан кейин ҳам ўйлантиради, бироқ халқимиз саховатпеша, бағрикенг ва ҳар қандай шароитда ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож юртдошларини ҳеч қачон кўчага ташлаб қўймайди. Бунга ушбу лойиҳани амалга ошириш давомида кўп бора иқдор бўлганман. Баъзи бир пайтларда бундай муаммолар кузатилади. Лекин ана шундай яхши инсонлар томонидан қилинаётган беғарас ёрдам ва хайриялар уша муҳтожлик, зарурият пайтида асқотиб қолади. Келинг, соддароқ айтаман. Мисол учун, бир инсоннинг уйини таъмирлаш керак. Қайсидир қурилиш материаллари керак бўлиб қолди, масалан, пардозлаш воситаси ёки бўёқ. Уни сотиб олиш учун бозорга отланган пайтимизда қайсидир юртдошимиз алоқага чиқиб, айнан биз қидирган нарсаларни ўз ҳисобидан олиб беришини айтади. Халқимизда: "Тўйга, уйга Аллоҳнинг ўзи етказад", деган фикр бор. Балки ишонарсиз ёки йўқ, бу ҳам қайсидир маънода Аллоҳнинг бизга хайрихоҳ эканлиги, ишимизга ривож бераётганидан далолат, менимча.

– Янги уйга кўчиб қирган, моддий аҳволи яхшилланган, умуман, меҳр-этибор қўрган инсонларнинг ҳис-туйғусига гувоҳ бўлиш кишига ўзгача таассурот берса керак?!

– Уламолардан бири "Инсоннинг энг бахтли лаҳзаси – бошқаларга яхшилик қилган дамларидир" деган экан. Дарҳақиқат, кимгадир яхшилик қилганимизда ўзимизни дунёдаги энг бахтли инсондек ҳис қиламиз. Қувончимиз ичимизга сиймайди, кун бўйи яхши кайфият ҳамроҳимиз бўлади. Мавлоно Жалолиддин Румий айтганидек: "Яхшилик қил – сени тушунишмасан ҳам. Яхшилик улаш – зарчи сенга қайтмасан ҳам! У ерда ҳам, бу ерда ҳам яхшилик уруғини эк... У яхшиликдан барча баҳра олсин! Нимадир учун яхшилик қилма. Қалбинг поклиги учун яхшилик қил! Кимдир ёмонлик билан жавоб қайтарса, Аллоҳнинг олдида сенинг юзинг ёруғ, уники эмас!" Нима учун бундан сўз очдим? Негаки, қийинчиликлар ва босимлардан эзилган қалбга бериладиган эътибор инсоннинг кўнглини тоғдек кўтаради, у жамият ва юрт тараққиёти учун дахлдор эканлигини ич-ичидан ҳис қилади. Албатта, яхши шароит яратилган бошпанга эга бўлган, халқнинг қўллаб-қувватловидан сармаст бўлган қаҳрамонларимизни кўрсак, улардан ҳам кўра биз қувончдан теримизга сиймай кетамиз. Буни сўз билан ифодалаб бериш қийин.

– Билишимизча, жамоангизда 30 га яқин инсон меҳнат қилади. Улар ўзларига ажратилган ваъзифани маълум миқдордаги ҳақ эвазига қилишадими?

– Шубҳасиз, ҳар бир ишнинг унуми жамоанинг меҳнати, бирдамлигида намоён бўлади. Жамоа аҳил бўлса, ҳар доим бир-бирини тушуниб, қўллаб-қувватласа, қўзланган мақсадлар, албатта, амалга оширилади. Жумладан, аввалига 4-5 нафар аъзодан таркиб топган жамоамиз бора-бора ўз сафини кенгайтириб, яхшилик йўлида ҳолис хизмат қилиб, орамизга савоб ва эл дуосидан баҳраманд бўлувчилар келиб қўшилди. Лекин 30 нафар жамоа аъзосининг ҳаммаси ҳам жараёнда бевосита иштирок этишини инобатга олсак, асосий вақтда биз билан бўлиш, лойиҳаларда иштирок этиш талаб этилади. Бу эса уларнинг кунини банд қилади, бошқа иш қила олмади. Шунинг учун ҳам улар орасида ойлик ма-

ошга ишлайдиганларни ҳам, текинга хизмат қилайдиганларни ҳам учратишингиз табиий. Уй-жой таъмири ва қурилишида узоқ вақт қолишига тўғри келадиган усталар ва ходимларимизга ойлик маош берилади, сантехник, электр монтаж усталари эса қисқа муддатга келиб, ҳолис хизмат қилади ва ишини битириб кетишади.

– Жамоадошларингизнинг ойлик маошини молиялаштиришда асосий манба нима ёки бошқа лойиҳаларингиз ҳам борми?

– Юқорида айтганимдек, бизнинг бу лойиҳамиздан ташқари, график дизайн маҳсулотларини сотишга мўлжалланган онлайн дўкон лойиҳамиз ҳам мавжуд. Ушбу лойиҳада жамоадошларнинг кўп қисми фаолият юритгани сабабли дўкон билан тузилган шартнома бадаллари улар ўртасида тенг тақсимланади. Ундан ташқари, лойиҳамизда обуначиларимиз кўплиги сабабли тадбиркорларимиз ўзларининг маҳсулот ва хизматларини биздан реклама қилиб беришларини сўрайди. Рекламадан тушган даромад ҳам жамоадошлар ойлиги учун йўналтирилади. Аммо аъзоларимиз замонавий ахборот коммуникация технологиялари мутахассислари бўлгани билан қилган ишига арзирли муносиб ҳақ талаб қилишмайди. Гоҳида даромад кам бўлади, гоҳида кўп. Ҳар икки ҳолатда ҳам насиб қилган маош ўрта-миёна ёки юқори бўлиши мумкин. Буни олдиндан тахмин қилиб бўлмайди.

– Фаолиятингизни қўллаб-қувватловчилар, албатта, кўп. Бироқ бунга ишонмайдиган, сизлар ҳақингизда салбий тасавуурга

"Қилган савобни амалларингизни Яратган ўз ажри билан мукофотласин!", "Дунёда меҳрли қалбар кўнаракин!", "Лавҳангизни кўзда ёш билан кўрдим, яхшиликлар ҳақида сизга эш бўлсин!..."
Қаҳрамонимизнинг инстаграмдаги саҳифасига халқимиз томонидан бидирилаётган бу каби илқ фикрлар, дуо ва қўллаб-қувватлашларини ўқирканмиз, Элдорбек Жўрабоев жамоасининг қилаётган меҳнати савобли эканлигига шубҳа қилмадик. "Кимки бир кўнгли бузуғунинг хотирини шод айлағай, Очча борким, Қайба вайрон бўлса, обод айлағай", деб ёзади ҳазрат Навоий. Ҳақиқатан, муҳтожларнинг кўнглини кўтариш савоб, олийҳимматлик белгиси. Қолаверса, уларнинг ҳаётда ёрқин саҳифалар очилишига сабаб бўлаётган ёшларнинг хайрли ташаббуси аҳоли орасида яхшилик қилишнинг нақадар улуғвор вазифа эканлигини тарғиб этмоқда.

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ суҳбатлашди

